ТРАНСМИССИВ КАСАЛЛИКЛАР ТАБИИЙ ЎЧОҚЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА КЕМИРУВЧИЛАРНИНГ РОЛИ

А.М.УММАТОВ

В Узбекистане природные очаги зоонозного кожного лейшманиоза расположены в Бухарском, Кашкадарьинском, Сурхандарьинском Сырдарьинском, Джизакском, Навоинском вилоятах, в Каракалпакстане и в Ферганской долине. Исходя из физико-географических особенностей этих территорий, было выделено шесть природных очагов зоонозного кожного лейшманиоза.

In Uzbekistan the natural centres of zoonoz skin leishmanioz can be found in the regions of Bukhara, Kashkadarya, Surhandarya, Sirdarya, Jizzah, Navoi, Korakalpakistan and in Fergana valley. In the above mentioned regions, according to their natural – geographical peculiarities the authors found out six main natural centres of zoonoz skin leishmaniouz

Кемирувчилар Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг кўпчилик вакиллари жиддий заруркунандалар ҳисобланади ҳамда трансмиссив касалликларни тарқатишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. У ёки бу турдаги кемирувчиларнинг фойдали ёки зарарли эканлигини аниқлаш учун, албатта, уларнинг табиатдаги экологик мувозанатни сақлашдаги роли ёки зараркунандалиги: экинларни нобуд қилиш, ҳосилни еб кетиш, юқумли касаллик қўзғатувчиларини тарқатиш каби хусусиятларини ҳисобга олишга тўғри келади. Фарғона водийси шароитида кулранг, туркистон каламуш турлари билан бир қаторда аҳоли яшайдиган пунктларга яқин жойларда катта қумсичқонлар, қизил думли қумсичқонлар, юмронқозик, уй ва дала сичқонлари популяциясининг сақланиб қолиниши, баъзи турлар сонининг ортиши зооноз касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Кемирувчиларга қарши курашда, турларнинг популяцион тузилмасини, хулқ-атвори, оилавий доминантлик хусусиятларини, яшаш тарзи, экологиясини билиш муҳим ҳисоланади. Уларнинг кўпчилиги учун мураккаб оилавий иерархия хусусиятлари хос, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори мураккаб бўлиб, жамоа ҳолда ҳаёт кечиради. Шунинг учун уларнинг регионга хос томонларини чуқур ўрганиш ҳамда кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, трансмиссив касалликларнинг табиий ўчоқлари одам пайдо бўлишидан олдин шаклланган.

Зооноз тери лейшманиози трансмиссив касалликлар қаторига кирувчи инвазион касаллик ҳисобланиб, унинг табиий ўчоқлари бизда қадимдан мавжуд. Табиийки, Ўзбекистонда ўзлаштирилиши лозим бўлган қўриқ ва бўз ерлар зооноз тери лейшманиози табиий ўчоқлари билан узвий боғлиқ. Бу касалликда кемирувчилардан, кўпинча, катта қумсичқонлар касаллик манбаи сифатида асосий ролни уйнайди [1,2,3,4,6]. Зооноз тери лейшманиозининг синонимлари Боровский касаллиги, пашшахўрда, Пендин яраси, тери лейшманиози деб юритилиб, трансмиссив касалликлар жумласига киритилади, қўзғатувчилар эса искабтопарлар ҳисобланади.

Одамлар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш мақсадида табиий ўчоқларга беихтиёр яқинлашиб, у ерларда мавжуд бўлган эпизоотик занжирга аъзо бўлиб қоладилар [5,6]. Касаллик интенсив кўрсаткичининг юқорилиги ерларни ўзлаштириш жадал суръатлар билан бораётган жойларда кузатилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида бу касалликнинг табиий ўчоқлари турлича тақсимланган (1-илова).

Зооноз тери лейшманиози табиий ўчоқларини куйидаги тартибда ажратиш мумкин:

Юқоридаги бўлиниш шартли ҳисобланади, чунки уларга фақат табиий-жўғрофий хусусиятлардан келиб чиқадиган ландшафларга хос эпизоотик жараёнлар асос қилиб олинган. Шу боисдан ҳар бир табиий ўчоқни паразитар системадаги эпизоотик жараён содир бўлаётган бир нечта майда ўчоқларга бўлиш ёки уларни битта умумий ўчоқ таркибига киритиш мумкин [1,3].

Ҳозирги пайтда Турон пасттекислиги бўйлаб, Амударё ва Сирдарё ўрталиғида шундай актив ва пассив табиий ўчоқлар мавжудлиги уларнинг таркиби ва эпизотик хусусиятларини чуқурроқ ўрганишни тақозо этади [3,4,5,6,7].

Ўзбекистон худудида бу касалликнинг табиий ўчоқлари Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятларида, Қорақалпоғистон, Марказий Фарғона ва бошқа жойларда тарқалган. Аҳоли ўртасида оғир эпидемиологик ҳолатлар Қарши, Мирзачўл, Бухоро, Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштиришда кузатилган бўлса, ҳозирги пайтга келиб улар қаторига янги табиий ўчоқлар қўшилди. Ўзлаштириш юқори суръатлар билан бораётган юқоридаги табиий ўчоқлар актив ўчоқлар ҳисобланади, чунки бу ерларда аҳолининг табиий ўчоқларга



яқинлашиш даражаси жуда юқори. Марказий Фарғона табиий ўчоғини пассив, яъни сўнувчи табиий ўчоқ санаш мумкин, негаки, қумсичқонлар популяцияси бу худудда антропоген омиллар таъсирида йилдан-йилга камайиб, биологик регресс томон бормоқда.

Ҳудудий ҳолатлардан келиб чиқиб шуни қайд этиш мумкинки, табиатда эпизоотия жараёни мавжуд, лекин одам триада занжирига аъзо бўлиб кирмаган жойлар бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар бир табиий ўчоқнинг эпидемиологик ҳолати, одатда, аҳолининг табиий ўчоқ билан ўзаро алоқа даражасидан келиб чиқади. Баъзан кемирувчилар ичида эпизоотия жараёни бўлса-да, лекин эпидемиологик ҳолат юзага чиқмаслиги мумкин. Бу, албатта, паразитар системадаги триада занжирини кемирувчилар (касаллик манбаи, асосан Rhombomys opimus L.), искабтопарлар (ташувчилар Rh. papatasi) ёки қўзғатувчи турининг Leishmania tropica қай даражада шаклланиши билан боғлиқ. Паразитар системага алоқадор кемирувчилар турлари ичида популяциялар асосий ролни ўйнайди, чунки паразитнинг бутун ҳаётий шакли улар билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

Популяциялар географик, экологик ва маҳаллий бўлиб, одатда, маҳаллий популяциялар парцелляр гуруҳлардан ташкил топади.

Кузатишлар шуни тасдиқлайдики, кемирувчилар қўриқ ва бўз ерларда кенг тарқалган бўлиб, улардан касаллик манбаи ҳисобланган катта қумсичқонлар асосий эпизоотологик ролни ўйнайди. Катта қумсичқонлар уларнинг тарқалиш ареалларида Rh. opimus L. ва Rh. opimus fumicolor H. – Фарғона водийси кенжа турларини пайдо қилган. Узоқ давом этган тарихий тараққиёт қумсичқонлар тарқалиш ареалларининг бўлинишига ва мустақил популяцияларнинг шаклланишига олиб келган. Одатда, популяциялар эгаллаган майдонлар турлича бўлиши мумкин. Катта қумсичқонларнинг кенжа турлари шаклланган Мирзачўл, Фарғона водийси табиий ўчоқларида қумсичқонларнинг табиий ҳолдаги “диффуз” тарқалиши антропоген омиллар таъсирида ўзгариб, коллекторлар, темир йўллар қияликларини эгаллаган “лентасимон” ёки айрим бўлакларни эгаллаган “оролсимон” тарқалиш типларини пайдо қилган бўлса, баъзи жойларда табиий ўчоқ аҳоли яшайдиган пунктлар билан аралашиб, “мозаикасимон” тарқалиш типини ҳосил қилган.

Йил давомида табиий ўчоқда бир-бирига боғлиқ иккита давр кузатилади:

а) актив (апрелнинг охиридан октябрнинг иккинчи ярмигача),

б) пассив (октябрь – апрель).

Актив даврда триада занжирининг ҳамма қисмлари мавжуд бўлиб, искабтопарлар, қумсичқонлар сонининг ортиши кузатилади ва эпизоотик жараён кучаяди. Кўзғатувчилар ҳам бу даврда сон жиҳатдан кўпайиб, юқоридаги ҳар иккала организмларда учрай бошлайди. Бу давр эпидемиологик жиҳатдан одамлар учун хавфли ҳисобланиб, касалланиш айнан шу даврда кўпроқ содир бўлади.

Иккинчи даврда ҳароратнинг пасайиши канотли искабтопарлар сонининг кескин камайишига олиб келади, баъзан улар умуман учрамайди.

Кейинги йилларда қусмичқонлардан ажратиб олинган кузатувчи штаммлари ўзларининг вирулентлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши аниқланди. Улар томонидан Қарши популяцияси қумсичқонлардан ажратилган Leishmania major, L. turanica, L. gerbilli штаммлардан фақат L. major одамларга нисбатан вирулентлиги жиҳатидан юқумли эканлиги исботланди. Бу текширишлар микроўчоқ тизимини чуқурроқ ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Қумсичқонлар популяцияси таркибини турли ёшдаги: juvenis, subadultus, adultus, senex индивидлари ташкил қилади. Эпизоотологик жараённинг бошланишини дастлаб juvenis ва subadultus ёшидаги гуруҳлардан кузатиш мумкин. Текширилган 464 та juvenis гуруҳидан фақат 12 таси 2,6% типик лейшманиомага эга эканлиги аниқланди. Улар ичида симптомсиз ҳолатлар ҳам учрайди. Қумсичқонларнинг juvenis гуруҳи июн ойининг ярмидан бошлаб кейинли кўп сонли subadultus ёшига ўтади, уларнинг ичида лейшманиоз билан касалланганлари 13-38% ни ташкил қилади. Кейинги ойларга ўтиб (сентябр, октябр) зарарланиш даражаси 67-85% га ортади. Улар биринчи қишки оралиқ эпизоотик даврни ўтаб, яъни баҳорга чиқиб adultus ёшига ўтади. Табиийки, уларнинг сони бироз камаяди, икки, уч йилги оралиқ эпизоотик даврларни ўтаб, жуда оз сонда сақланиб қолган senex гуруҳига айланади, лекин касалланиш даражаси 80-95% ташкил этади.

Шундай қилиб, зооноз тери лейшманиози қўзғатувчиси L. major нинг узоқ эпизоотик даврлар орасида сақланиб туришида популяциядаги subadultus ва adultus гуруҳлари асосий ролни ўйнайди.

Зооноз тери лейшманиозини юзага чиқаришда искабтопарлардан фақатгина бир тур Rh. papatasi (4,2-24,7%) эпидемиологик ва эпизоотологик аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Ўзлаштириш жадал суръатлар билан бораётган қуруқ ва бўз ерлар паразитар системасининг эволюцияси, асосан, касаллик манбаи сифатида табиий ўчоқ ҳисобланган катта қум сичқонлар жамоаси билан боғлиқ, шунинг учун касалликка қарши кураш чора-тадбирлари кўпроқ уларга қаратилган бўлиши керак.

Транмиссив касалликлардан ҳисобланган зооноз тери лейшманиозига қарши кураш табиий ўчоқда мавжуд бўлган эпизоотик занжирни узишга, касаллик манбаини ташувчиларни йўқотишга ва кузатувчига таъсир этишга қаратилган бўлиши тақозо этилади.

Зооноз тери лейшманиозига қарши кураш амалиётида механик ва кимёвий усуллар, чунончи, заҳарли моддалар (рух фосфид) билан ишлов берилган донлардан зоокумаринли пастадан, заҳарли газлардан (хлорпикрин, цианплав) фойдаланиш, автомашинадан чиқаётган газни ДДГ ва ГХЦГ инсектицидлари билан аралаштириб пуркаш, заҳарланган донларни самолётда сепиш, касаллик манбаларини ҳар хил газлар ёрдамида портлатиш, искабтопарларга қарши дезинфекция, касалларни эффектив усуллар билан даволаш ва ҳоказолар қўлланилган. Уларни амалиётда қўллаш туфайли айрим ҳудудларда ижобий натижалар қўлга киритилди, яъни эпизоотологик ва эпидемиологик ҳолатларни маълум даражада вақтинчалик бўлса ҳам пасайтиришга эришилди.

Ҳозирги пайтда Турон пасттекслиги бўйлаб Амударё ва Сирдарё ўрталиғида юқорида кўрсатиб ўтилган актив ва пассив табиий ўчоқларнинг мавжудлиги уларнинг ички тузилиши, қумсичқонларнинг популяцион ва парцелляр таркиблари ҳамда уларда кечадиган эпизоотик жараён хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш тақозо этади.

Адабиётлар:

[1] Гунин П.Д, Попов В.П. Дополнения к характеристике природных очагов зоонозного кожного лейшманиоза в поселениях песчанок центральной части Ферганской котловины. // Экология и медицина. Значение песчанок фауны СССР.- М, 1981.- С.259-260.

[2] Дубровский Ю.А. Песчанки и природная очаговость кожного лейшманиоза.- М., 1978.- С.142-150.

[3] Дубровский Ю.А. и др… Составление карты ареала большой песчанки в Средней Азии и Казахстане методом градусных полей. Современные проблемы зоогеографии. М, 1980, стр. 167-180.

[4] Ипатов В.П. Остронекротизирующийся кожный лейшманиоз в междуречье Амударьи и Сырдарьи. Автореф. канд дисс. М, 1970.

[5]. Умматов А, Авчибаев Б, Тургунов З. Зараркунанда кемирувчилар ва уларга карши кураш чоралари., Андижон, 2006.

[6] Умматов А., Кожевникова А.Г. Распространение и численность грызунов в Ферганской долине и борьба с ними.» Илм.хабарнома, АДУ, № 1-2, 2006, стр. 63-67.

Андижон давлат университети
2012 йил 16 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. К.Тожибоев)